

Ishonch

2019 йил 29 сентябрь • яшанба • № 119-120 (4249)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Авалло, сиз, азизларни, таълим-тарбия соҳасида меҳнат қилаётган барча педагог ходимларни ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриклар, энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ушбу қутлуғ айёмда барчамиз бизга илм ўргатган, ҳаёт сабоғини берган жонкуяр, фидойи ўқитувчи ва домлаларимизга чуқур ҳурмат бажо келтириб, чин дилдан таъзим қиламиз.

Ҳақиқатан ҳам, ўзининг кўз нури, қалб кўри, бутун борлиғини ёш авлод тарбиясига бахш этадиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати, жасорати ҳар қандай юксак баҳоларга муносибдир.

Бу ҳақда фикр юритар эканмиз, улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг: «**Авлодларингизга фақат бугуннинг эмас, келгуси замоннинг илмини ўргатинг**», деган сўзлари беихтиёр ёдимизга тушади.

Чиндан ҳам, дунё миқёсида рақобат янада кучайиб борадиган, ўта мураккаб бир даврда яшайдиган болаларимизни келажакка тайёрлаб, соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш таълим-тарбия соҳаси, ўқитувчи меҳнатининг туб моҳиятини ташкил этади.

Ана шу ўткир ҳақиқатни ҳисобга олиб, биз таълим-тарбия соҳасидаги ислохотларни давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши даражасига кўтардик.

Ўтган қисқа даврда мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, мактаб таълимида 11 йиллик тизимга ўтиш, академик лицей ва касб-хунар коллежларини оптималлаштириш, нодавлат таълим хизмати кўрсатиш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширдик.

Бугунги кунда сизларнинг, бутун эл-юртимизнинг қизгин қўллаб-қувватлаши билан **мактаб таълимини ривожлантириш умумимиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиб бормоқда.**

Буюк алломаларимиз, атоқли шоир ва адибларимиз номи билан аталадиган ижод ва табиий фанларга ихтисослаштирилган мактаблар, «Темурбеклар мактаблари», Президент мактаблари каби мутлақо янги намунадаги замонавий ва инновацион таълим масканлари айни шу мақсадга хизмат қилади.

Бу борада умумтаълим мактаблари тизимини ривожлантириш масаласига устувор аҳамият берилмоқда. Бунинг тасдиғини сўнги икки йилда 238 та янги мактаб барпо этилганда ҳам кўриш мумкин. Ҳолбуки, 2010-2016 йилларда бу соҳага етарли эътибор берилмагани туфайли 99 та мактаб ёпилган эди.

Мазкур соҳани ривожлантириш учун ажратилаётган бюджет маблағлари ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, жорий йилда мактабларга 2017 йилга нисбатан 81 фоиздан зиёд маблағ ажратилди.

Юртимизда боғча, мактаб ва олий таълим тизимида ишлаётган тарбиячилар, ўқитувчи ва домлалар меҳнатини муносиб қадрлаш, уларнинг иш ҳақини, жамятдаги нуфузини ошириш бўйича муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Соҳа ривожига бўлган ана шундай эътибор мактабларда ўқув-тарбия жараёнларини сифат жиҳатидан ўзгартиришга, ўқитувчилар таркибини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Биз таълим-тарбия масаласига комплекс ёндашган ҳолда, боғча таълими билан бирга олий таълим тизимини ҳам узвий ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Шу мақсадда мамлакатимизда мактабгача таълим ҳамда олий таълимни ривожлантириш дастурлари қабул қилинди ва шу асосда туб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, кейинги икки йилда мамлакатимизда 35 та, жумладан, 13 та хорижий олий ўқув юрти ташкил этилди. Юздан ортиқ янги бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда 94 та магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ана шундай чора-тадбирлар натижасида ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси уч йил бурунги 9 фоиздан 20 фоизга ошди. Биз яқин келажакда бу кўрсаткични 25 фоизга етказишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Яратилаётган имкониятлар туфайли Ўзбекистон ёшлари турли соҳаларда ўз билим ва салоҳиятини намоён этиб, Ватанимиз шухратини бутун дунёга тараннум этмоқда.

Куни кеча Россиянинг Екатеринбург шаҳрида дунёнинг 80 га яқин мамлакатидан моҳир спортчилар иштирок этган бокс бўйича жаҳон чемпионатида миллий жамоамиз вакиллари юксак азму шижоат ва маҳорат намунасини кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллагани барчамизни қувонтириб, ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Бундай улкан ютуқларни биз, аввало, сизлар каби фидойи устоз-мураббийларнинг фидокорона меҳнати натижаси сифатида қабул қиламиз.

Қадрли юртдошлар!

Барчамиз яхши тушунамизки, бугунги шиддатли замон барча соҳалар қаторида таълим-тарбия тизимини ривожлантириш бўйича ҳам олдимизга ғоят муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Албатта, ёшларимизнинг билим олишлари учун барча шароитларни яратиш, ўқув биноларини қуриш, уларни замонавий жиҳозлаш мумкин. Лекин фарзандларимизга юксак мезонлар асосида таълим-тарбия берадиган, янгича, инновацион фикрлайдиган муаллим ва ўқитувчиларни тайёрлаш – бу энг оғир вазифа бўлиб, жуда катта меҳнат ва масъулиятни талаб этади.

Шу маънода, **бугунги кун ўқитувчиси универсал мутахассис, ҳам ўргатувчи, ҳам ўрганувчи бўлиши**, яъни ўз устида тинимсиз ишлаши, доимо изланиб яшаши керак.

Энг муҳими, ўқитувчи чинакам ватанпарвар инсон бўлиши зарур. Қалбида ўз касбига, Ватанига меҳр ва садоқат кучли бўлган ўқитувчигина ҳақиқий ватанпарвар шахсни тарбиялай олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш, соҳага доир ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, ёшларга илм-фан асослари ва замонавий касб-хунарларни ўргатиш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнати, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол авлодни шакллантириш борасидаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»

Кузиева Каромат Мамитжановна – Сайхунбод туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Собиров Ахмед Юлдашевич – Шовот туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

Турсунова Махбуба Мирзахожоевна – Кува туманидаги 62-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг биология фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Қосимов Исам Жўраевич – Арнасай туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Закиров Алимжон – Жалақудуқ туманидаги «Нурли йўл» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти
Кучкарова Гулнара Мараимовна – Учтепа туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

«ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»

Абунасова Розия Тўраевна – Пешку туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадий гимнастика бўйича мураббийи, Бухоро вилояти

2 >

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНинг ЕКАТЕРИНБУРГ ШАҲРИДА БОКС БЎЙИЧА БЎЛИБ ЎТГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда спорт соҳасини ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли ишлар ва яратилаётган шароитлар туфайли спортчиларимиз томонидан улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 6-22 сентябрь кунлари Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида дунёнинг 80 га яқин мамлакатлари ўртасида бокс бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида миллий терма жамоамиз вакиллари юксак азму шижоат ва маҳорат намунасини кўрса-

тиб, биринчи ўринни эгаллагани ҳамда Ватанимизнинг халқаро миқёсидаги шон-шухратини тараннум этишга катта ҳисса қўшганлиги, юртимизда спортни кенг оммалаштириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшлар онгида миллий гурур, она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини кучайтириш борасидаги муносиб хизматлари учун қуйидагилар фахрий унвон ва медаллар билан мукофотлансин:

3 >

УСТОЗЛАР – КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЭЪЗОЗИДА



Ў.А. сураги.

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли Ўзбекистон давлат академик катта театрида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ўтказилган «Устозлар – касаба уюшмалари эъзозиди» республика танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

3 >

4 >

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН
ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«1 Холодова Наталья Юрьевна – Сурхондарё вилояти ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг энгил атлетика бўйича мураббийи

Юртимизда таълим соҳасини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, ўқув-тарбия жараёнига илғор хорижий тажрибалар, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни кенг жорий этиш, илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ қилиш, чуқур билим ва касб-хунарга эга, мустақил фикрлайдиган, иқтидорли, соғлом авлодни вояга етказиш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси, ёшларимизни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги улкан хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН»
ОРДЕНИ БИЛАН

Артиков Ешпулат Рузиевич – Бухоро вилояти ихтисослаштирилган маданият мактаб-интернатининг анъанавий хонандлик бўлими ўқитувчиси

Баубекова Калжамал Бегдуллаевна – Меҳнат фахрийси, Қорақалпоғистон Республикаси

Ирискулов Мухамадавас Турсунович – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети хузуридаги Чет тилларини ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази бўлим бошлиғи

Разакова Улган Абдужалилова – Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Турсунов Эркин Атабаевич – Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг гистология, патологик анатомия кафедраси профессори

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ»
ОРДЕНИ БИЛАН

Азимова Раънохон Шариповна – Сарисий туманидаги «Мурувват» ногирон аёллар учун интернат уйи энагаси, Сурхондарё вилояти

Акбарова Саодатхон Турғуновна – Бадиқчи туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

Акрамов Абдуҳаким Икромович – Ширин шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Аллаберганов Фарход Рахимович – Янгиерлик туманидаги 39-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Базарбаева Севар Юлдашовна – Тошкент туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Базаров Фазилжон – Меҳнат фахрийси, Жиззах вилояти

Дадамирзаева Инобат Муродиллаевна – Наманган шаҳридаги 77-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Иркаев Абдурахим Панджиевич – Қарши давлат университетининг миллий ғоя, маънавият асослари кафедраси доценти, Қашқадарё вилояти

Исмаилов Бобир Абдурахимович – Оммавий тадбирлар расоми, Тошкент шаҳри

Касимов Юлдаш Эргашевич – Олмасор туманидаги 106-заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Ким Идея Алексеевна – Нукус шаҳридаги «Имкон» реабилитация маркази услубчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Раманова Гулпаршын Жолдасбаевна – Чимбой туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Расулов Рустам Явкочевич – Фаргона давлат университетининг физика кафедраси профессори, Фаргона вилояти

Рўзиев Темирқул Ражабович – Қорақул туманидаги халқаро математика мактаби директори, Бухоро вилояти

Темиргалиев Фарид Салихович – Самарқанд агро-иктисодиёт касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Самарқанд вилояти

Тошмирзаева Шарофат Мирбабаевна – Халқ таълими вазирлиги тасарруфидоги

филология фанларига ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Турсунова Рихсигул Бахромовна – Жиззах шаҳридаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Усманова Ажаргул Ибрагимовна – Навоий шаҳридаги 13-умумий ўрта таълим мактаби директори, Навоий вилояти

Хакимова Нортожи Мухаммадиевна – Каттақўрғон шаҳридаги «Баркамол авлод» болалар маркази директори, Самарқанд вилояти

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ОРДЕНИ БИЛАН

Ибрагимова Муяссар Курбановна – Республика ёшлар марказининг Хоразм вилояти бўлими «Инклюзив таълим» тўғрари раҳбари

Илов Аслан Нурович – Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг халқаро кураш турлари назарияси ва услубияти кафедраси профессори

Корниенко Валентина Владимировна – Учқудуқ туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

Очилов Шухрат Саидович – Бухоро туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, Бухоро вилояти

Сулaimанова Сайёра Иляшовна – Қуйи Чирчиқ туманидаги «Фартуна» нодавлат мактабгача таълим муассасаси раҳбари, Тошкент вилояти

Турдиева Шоҳсанам Сайфуллаевна – Қарши шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйи энагаси, Қашқадарё вилояти

Убаева Зулфия Джамилевна – Яшнобод туманидаги 30-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси, Тошкент шаҳри

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаев Ғайрат Уролович – Муборак саннат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Абдуллаева Махмуда Нишанбаевна – Наманган шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Аллаков Исмаил – Термиз давлат университетининг алгебра ва геометрия кафедраси мудири, Сурхондарё вилояти

Ашуров Қахрамонжон Хайидбоевич – Сўх туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Бўриев Сулаймон – Бухоро давлат университетининг биология кафедраси профессори, Бухоро вилояти

Власова Лилия Вильдановна – Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бадий гимнастика бўйича мураббийи

Жаборова Махпират Имомовна – Янгиер шаҳридаги 5-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Сирдарё вилояти

Жўраев Хусанбой – Улунор туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Канаки Эдуард Валерьевич – Чилонзор туманидаги 103-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Крупская Надежда Владимировна – Пайарик туманидаги 20-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Самарқанд вилояти

Курбанов Хидоятullo Боболиевич – Сарисий туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Кушнер Елена Натановна – Мирзо Улуғбек туманидаги «Diplomat International School» нодавлат таълим муассасаси директори, Тошкент шаҳри

Махкамов Маруф Махмудович – Чуст туманидаги «Баркамол авлод» болалар маркази тўғрари раҳбари, Наманган вилояти

Рузимова Нафиса Баймуратовна – Кўшкўпир туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Солиева Феруза Гуфуровна – Данғара туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг француз тили фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Туева Гулшод Зайниевна – Зарафшон шаҳридаги Болалар шаҳарчаси тарбиячиси, Навоий вилояти

Туранова Гулчехра Йегиталиевна – Бе-

кбод шаҳридаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Файзиев Улугбек Ганиевич – Навоий шаҳридаги «Zarafshan Golden Group» маъсулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Навоий вилояти

Хидиров Шарофиддин Акрамович – Шароф Рашидов туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг чизмачилик ва тасвирий санъат фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Чашемов Мансурбек Халбаевич – Қорақалпоғистон Республикаси ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг оғир атлетика бўйича мураббийи

Шарипова Фотима Зариповна – Когон туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Эргашов Ойбек Мухтарович – Шаҳрихон қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

Эшбеков Тўлқин Усмонович – Ўзбекистон Миллий университетининг жамоатчилик билан алоқалар назарияси ва амалиёти кафедраси доценти

Юлдашов Гулмирзо Шукурлаевич – Гурлан туманидаги 40-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуллаева Одина Рахимжоновна – Уйчи туманидаги «Жажжи профессор» нодавлат мактабгача таълим муассасаси мудири, Наманган вилояти

Абдурахмонова Ирода Галабаевна – Хонобод шаҳридаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Абсатова Муътабар Абдумаликовна – Сардоба туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Арзимбетова Бибисара Атамуратовна – Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази катта ўқитувчиси

Ахмеджанова Гулсарахон Махмудовна – Олмасор энгил саннат касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Тошкент шаҳри

Ахмедходжаев Хамит Турсунович – Наманган муҳандислик-технология институтининг табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси кафедраси профессори, Наманган вилояти

Ахунжоновна Гулсанам Фазилдиновна – Ўзбекистон туманидаги 1-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Фаргона вилояти

Ашурова Умидахон Махмуджановна – Андижон шаҳридаги «Болажон баҳори» нодавлат мактабгача таълим муассасаси мудири, Андижон вилояти

Баратова Зумрад Рахматиллаевна – Оҳангарон туманидаги «Саховат» кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйи энагаси, Тошкент вилояти

Бурхонов Барот Ғафорович – Шеробод туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Бусинова Гулнора Бойбутаевна – Олмалиқ шаҳридаги 23-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Вахидова Лола Абдуллаевна – Хатирчи туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Давидова Дилафруз Абдуганиевна – Янгийўл шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Джалилов Умбар Хуррамович – Олтинсой туманидаги 43-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Джалилова Хилола Холйигитовна – Гулистон шаҳридаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Джураев Абдимурат Оралович – Узун туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Ешимбетова Камила Шамильевна – Нукус шаҳридаги 46-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили

фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Ешмуратов Расул Махсудович – Тахтақўпир туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жаббарқуллова Нилуфар Муртозаевна – Ғаллаорол туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Жанибеков Бахтияр Сулейманович – Кўшрабод туманидаги 50-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Жумаева Гўзал Баходиревна – Сергели туманидаги 301-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Жураева Хафиза Бердиевона – Нишон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Иномова Замирахон Телмановна – Учқўрғон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Каримова Муяссар Хайитбоевна – Янгибозор туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Кўқонова Мунираҳон Мадаминовна – Марғилон шаҳридаги Эркин Воҳидов номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Қамбаров Гулнорахон Зоҳиджоновна – Асака туманидаги 24-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг география ва иқтисодий билим асослари фанлари ўқитувчиси, Андижон вилояти

Мавлонова Мамура Усмановна – Кўқон шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси, Фаргона вилояти

Мамарасулова Сабоҳат Шоқосимовна – Кўшрабод туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Мирахмедова Соҳида Мирзатиллаевна – Бўстонлик туманидаги Ғазалкент хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Мирзаев Муҳиддин Журақобович – Яккабўғ туманидаги 94-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Мирзаева Маҳбуза Абдуқодировна – Ургант туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Муллабоев Абдурасул Эргашевич – Уйчи туманидаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси, Наманган вилояти

Муллажоновна Ирода Собирова – Пискент туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Назарова Шазадаҳон Турдалиевна – Олтинқўл туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Нарзиев Холмурод Садинович – Навбаҳор туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Навоий вилояти

Норбоева Нодира Насруллаевна – Тайлоқ туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Носирова Нарғиза Холмуродовна – Қизилтепа туманидаги 39-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Носирова Шоҳида Расуловна – Жиззах энгил саннат касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Жиззах вилояти

Оллаберганава Лениза Болтабаевна – Хива шаҳридаги Болалар шаҳарчаси директорининг ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Хоразм вилояти

Расулов Бахрам Нариманович – Андижон ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг самбо кураши бўйича мураббийи, Андижон вилояти

Рахимов Ўрал Маликович – Бойсун туманидаги 6-болалар мусиқа ва санъат мактабининг бахшичилик йўналиши ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Раҳманов Учқун Тошпўлатович – Қарши шаҳридаги «LM-U ZIYO SCHOOL» нодавлат таълим муассасаси директори, Қашқадарё вилояти

Раҳмонов Умид Олимович – Ўзбекистон Миллий университети қошидаги СХ.Сироҳидинов номидаги академик лицейнинг математика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Садиқова Бахтинисо Исановна – Зафаробод туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Саматова Гулчехра Мирхайдовна – Бовут туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Сапарниязова Муяссар – Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти

Саттаров Аҳмад Абдиназарович – Қумқўрғон қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Сисоева Юлия Владимировна – Ангрэн шаҳридаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Сулаймонова Зилолаҳон Турғунбоевна – Бағдод туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг физика фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Суярова Зебинисо Эшонқулловна – Булунгур туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Талипов Эркин Далевич – Иштихон туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Туйғунов Мирза Жумаевич – Чироқчи туманидаги 112-умумий ўрта таълим мактабининг немис тили фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Тураева Гузал Рузиевна – Қарши шаҳридаги 35-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Тургунова Мамлакат Артикбаевна – Наманган транспорт ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

Турсунова Камолатхон Хакимжоновна – Олтиариқ туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг технология фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Умарқуллов Абдусаттар Аманбоевич – Марғамат туманидаги 31-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Хакимова Гулмира Абдуллаевна – Юнусобод туманидаги 260-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Хакимова Сайёра Кубаевна – Мирзаобод туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Халимова Дилбар Ибадуллоевна – Бухоро шаҳридаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг миллий ғоя ва маънавият асослари фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Хамраев Носиржон Камалович – Чортоқ туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Хусанова Ҳафиза Ширинбоевна – Навоий шаҳридаги Меҳрибонлик уйи тарбиячиси, Навоий вилояти

Ҳамроева Матлуба Саидовна – Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйи тарбиячи ёрдамчиси, Бухоро вилояти

Шодманова Шахноза Курдашевна – Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицейнинг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Эралиева Гулчехра Тухтамахамадовна – Бувайда туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Осупова Гулистан Жамалатдиновна – Қораўзақ туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Осупова Муяссар Халлиевна – Беруний туманидаги 36-ум

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

«1 Бизнинг барча саясий-ҳаракатларимиз «Ўзбекистонда энг обрўли инсон муаллим бўлиши керак» деган ғояни амалга оширишга қаратилмоқда. Бунинг учун давлат ва жамият томонидан қанча маблағ, ресурс ва имкониятлар зарур бўлса, барчасини сафарбар этамиз.

Мақтабларда хорижий тилларни, ахборот-коммуникация технологияларини ўргатишни такомиллаштириш, олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш, ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларни самарали амалга оширишимиз лозим.

Профессионал таълим соҳасида

бугунги меҳнат бозори ва халқаро стандартларга тўла мос келадиган бутунлай янги тизимга ўтишни жаддаллаштиришимиз керак.

Таълим муассасаларининг моддий-техник базаси, ўқитиш сифати ва педагог ходимларнинг билим ва малакасини оширишга қаратилган «Замонавий мактаб» давлат дастурини амалга ошириш доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Барчамизга аёнки, бугунги кунда ён-атрофимизда ёшларнинг қалби ва онгини заҳарлаб, уларни тўғри йўлдан оғдиришга қаратилган хавф-хатарлар тобора кучайиб бормоқда. Бундай мафкуравий хуружларга қарши миллий ғоя асосида барчамиз биргаликда курашмоғимиз, оила, мактаб ва

маҳалла ҳамкорлигини мустақамлашимиз зарур.

Айниқса, бу вазифа барча бўғиндаги раҳбарлар, ёшлар, хотин-қизлар, нуронийлар ташкилотлари, ижодкор зиёлиларимиз, диний уламолар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, бутун жамиятимиз учун виждон ишига айланиши керак.

Азиз ва муҳтарам устозлар! Бугун таълим-тарбия соҳасида, ҳурматли ўқитувчи ва мураббийларимиз, фарзандларимиз ҳаётида янги давр бошланмоқда. Бу даврнинг янада чуқур маъно-мазмун билан тўлдириб, миллий юксалишга эришиш фақат ва фақат ўзимизга, шу йўлда ҳамжиҳатлик билан қаттиқ меҳнат қилишимизга боғлиқ.

Биз халқимизнинг энг катта бой-

лигини – миллионлаб фарзандларимиз, жондан азиз ўғил-қизларимизнинг тақдирини, Ўзбекистон истиқболини сизларга ишониб топширганмиз. Ва бу вазифани масъулия билан адо этиб келаятган сизлар каби фидойи инсонлар, келажак бунёдкорларига ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди.

Сизларни ўқитувчи ва мураббийлар кунин билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда катта муваффақиятлар, хонадонларингизга файзу барака тилаймиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ЕКАТЕРИНБУРГ ШАҲРИДА БОКС БЎЙИЧА БЎЛИБ ЎТГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ»
Жалолов Баҳодир Исомиддин ўғли – Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Мирзахалилов Миразизбек Мирзакарим ўғли – Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»
Қурбанов Марат Галиевич – Бокс бўйича Ўзбекистон миллий

терма жамоаси бош мураббийи Қиличев Тўлкин Махмурович – Республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг бокс бўйича мураббийи

Эржаев Баҳодир Тургунович – Фарғона вилояти ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ»
Зоиров Шаҳобидин Шокирович

– Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ» МЕДАЛИ БИЛАН
Батуров Бобо-Усмон Шамсутдин ўғли – Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Рўзметов Дилшодбек Юсупбай ўғли – Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН
Ахмедов Бурхон Бахрамович – Пах-

такор туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи, Жиззах вилояти

Қиличев Фаррух Комилович – Чирчиқ ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг бокс бўйича бош мураббийи, Тошкент вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2019 йил 27 сентябрь



КУН НАФА СИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон ва мамлакат халқига республиканинг собиқ Президенти Жак Ширак вафот этгани муносабати билан таъзия йўлади.

president.uz

«Кекса авлод вакиллари»нинг жамиятидаги ўрни ва ижтимоий фаолигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

«Huroqiy axborot» telegram kanali

Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасида таълим тараққиётига кўмаклашиш бўйича муҳим келишув (DOAG) имзоланди.

uza.uz

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Марокаш Подшоҳлиги ташқи сийосат идоралари ўртасидаги маслаҳатлашувларнинг биринчи раунди бўлиб ўтди.

mfa.uz

Жаҳон банки «Бизнес юрти» халқаро рейтингини доирасида охириги бир йил ичида бизнесни юритишда энгилликларни назарда тутувчи энг кўп ислохотларни амалга оширган 20 та давлатни эътироф этди. Булар ичида Ўзбекистонда 5 та йўналишда амалга оширилган қадамлар алоҳида тан олинди.

uza.uz

«Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастури доирасида «Қашқадарё инвестиция форуми» ўтказилмоқда.

kun.uz

Адлия вазирлиги томонидан «Адлия тadbиркорга дўст» лойиҳаси доирасида «Тadbиркорни ҳомийликка мажбурлама!» шиори остида тadbиркорларни ноқонуний ҳомийлик ишларига жалб қилишга қарши акция эълон қилинди.

minjust.uz

Тошкент шаҳар ИИББ ЙПХ ва ППХ ходимлари бодикамераларни ишга туширишди.

iibb.uz

Шу кунларда Ўзбекистонга Қозоғистон Республикаси «Жануб» Регионал кўмондонлиги кўмондони генерал-майор Кайдар Каракулов раҳбарлигидаги ҳарбий делегация расмий ташриф буюрган.

kun.uz

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси Жаҳонгир Саримсоқов Россия Федерациясининг истеъмолчилар иттифоқи раҳбари Петр Шелиц билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш юзасидан алоҳида музокара-лар ўтказди.

uza.uz

Тошкентда 28 сентябрь кунини Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳузуридаги Илмий-мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

uza.uz

Тошкентда 23-27 сентябрь кунлари Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим лойиҳаси бўйича келишувларнинг учинчи давраси бўлиб ўтди.

uza.uz

Самарқандда «Silk road bazaar» миллий хунармандчилик ва савдо фестивали ўтказилди.

uza.uz

Мудофаа вазирлиги «Чимён» тоғ тайёргарлиги ўқув-машқлар марказида ўтаётган «Тоғ шарпаси» ўқув курсларида сара ҳарбий хизматчилар малакали мутахассислар етакчилигида жисмоний-тактик имкониятларини оширмоқда.

Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти

Тошкент вилоятининг «Лайнер» мажмуида «CARO-2019» II Марказий Осиё радиоэкология конгресси бўлиб ўтмоқда.

uza.uz

Самарқандда бир гуруҳ фаоллар «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони билан тақдирланди.

uza.uz

ЖАҲОН

27 сентябрда Туркменистон пойтахти Ашхободнинг марказий майдонида мамлакат мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан ҳарбий парад бўлиб ўтди.

kun.uz

Афғонистонда президентлик сайловларида овоз бериш раъсман якунланди, деб маълум қилди Мустақил сайлов комиссияси раҳбари Ҳаво Олам Нуристоний.

kun.uz

Саудия Арабистони ўз тарихида илк бор хорижий сайёҳларга туристик визалар бера бошлади.

kun.uz

Саудия Арабистонида ишлаб чиқариш пасайгани туфайли нефть бозоридан юзага келган йўқотишлардан Қозоғистон фойдаланиб қолмади, дея баёнот берди Қозоғистон энергетика вазири Қанат Бозумбаев.

«Интерфакс» агентлиги

АҚШ яхудийларининг нодавлат ташкилоти бўлган «Америка Анти-дефамациячилар» лигаси «Ок» белгисини (бош бармоқ ва кўрсаткич бармоқ бирлаштиришдан ҳо-

сил қилинади) ирқчилик рамзи дея тан олди.

CBC News

Германия полицияси франциялик «ўргимчак одам» Ален Роберни Майндаги Франкфурт шаҳрида осмонўпар бинога чиққани учун ҳибсга олди.

Spiegel наشري

Хитой полициячилари Ганьчжоу шаҳар собиқ мэри 57 ёшли Чжан Цининг уйини тинтув қилиш пайтида жуда катта миқдорда нарқ пул, шунингдек, мафий ерўласига беки-тиб қўйилган 13,5 тонна қўйма олтинни топилди.

xabar.uz

Канадалик олимлар пакечелди чойда полимер микро зарраларини аниқлашди. Тадқиқот натижалари «Environmental Science & Technology» журналинда чоп этилган.

rambler.ru

Олимлар катталиги Гренландияда келадиган йўқолган китъани топилди. Халқаро мутахассислар гуруҳи тадқиқоти «Gondwana Research» журналинда чоп этилган.

rambler.ru

Хоразм вилояти | Меҳнат муҳофазаси

Бу касбда энг муҳими маҳорат

Корхонамизда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бирламчи ўринда туради. Меҳнат хавфсизлигини таъминлаш ва корхонадаги ҳолатни яхшилаш чоралари доимий назоратда. Ҳамма бўлинмаларда жорий йил учун ходимлар билан ишлаш режалари тайёрлаб чиқилган бўлиб, унга қатъий амал қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бўлинмалар тегишли дан олдин ярим соат давомида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича ўқув машғулоти ўтказилади. Корхонада иш вақтида жараҳатланиш хавфи юқори бўлган «тор жойлар» аниқланиб, уларни барта-раф қилиш бўйича тadbирлар ишлаб чиқилади.

Яқинда ишчи-ҳодимларнинг ўзаро таъриба алмаши-нувини таъминлаш мақса-дида вилоятдаги электр таъминоти корхоналарининг таъмирлаш бригадалари ўр-тасида касб маҳорати бўй-ича мусобақа ташкил қилдик. Унда ишчиларнинг биринчи ёрдам кўрсатиши, иш жойини тайёрлаш, автотранспорт ҳолати ва техника хавфсиз-лиги қоидаларига қанча-лик амал қилишлари бўйича билимлари синовдан ўтказилди. Натижалар бўйича Питнак, Урганч ва Янгиариқ ТЭТК жамоалари фахрли ўринларни эгаллади ва жа-миятнинг фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совға-лари билан тақдирланди.

Раҳбар ходимларнинг масъулияти, меҳнат муҳо-фазаси талабларининг ба-жарилиши устидан назо-ратнинг керакли даражада ўрнатилгани, ходимлар-нинг фидокорона меҳнати туфайли 2014 йилдан буён корхонамизда ходимлар-нинг иш жараёнида жа-роҳатланишига йўл қўйил-мади.

Ражаббой ОТАЖОНОВ,
«Хоразм ҳудудий электр тармоқлари» АЖ бўлим бошлиғи

Жиззах вилояти | Сарҳисоб



Жиззах вилоятида мактаб ўқувчиларининг жорий йил ёзги таътил даври кўнгилли ва мароқли кечди. Фориш, Зомин, Шароф Рашидов, ғаллаорол туманлари ҳудудида жойлашган 10 та стационар оромгоҳда 5304 нафар, вилоятдаги таълим муассасалари қошида ташкил этилган 161 та кўндүзги оромгоҳда 9975 нафар бола соғломлаштирилди. Ўтган йили 5,5 фоиз болажонлар оромгоҳларга камраб олинган бўлса, бу йилги кўрсаткич 7,9 фоизга етди.

Мавсумда вилоят касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши шаҳар ва туманлар ҳоким-лари билан ҳамкорликда но-лигар, боқувчисини йўқотган вояга етмаганлар, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож бо-лаларни имтиёзли ва бепул йўлланма билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратди. Ху-сусан, жорий йилда 100 на-фар ногирон ва эҳтиёжманд оилалар фарзандлари касаб уюшмалари маблағи, 100 на-фар Меҳрибонлик уйи тар-бияланувчилари ва 80 нафар Оролбўйи минтақаси бола-лари давлат бюджети, 62 нафар кам таъминланган оилалар фар-зандлари ҳомийлар маблағлари, 165 нафар профилактик ҳи-собда турувчи оилалар бола-лари ҳокимликлар, 749 нафар ўқувчилар жамоа шартнома-лари орқали оромгоҳларда бе-пул ҳордиқ чиқарди.

Аксарият болалар оромгоҳ-лари мавсумда 4-5 босқичда, Шароф Рашидов номили оромгоҳ эса 7 босқичда фа-олият кўрсатиб, республикадаги энг илгор оромгоҳлар қато-рида эътироф этилди.

Жиззах шаҳридаги 1-бола-лар мусиқа ва санъат макта-бида 2019 йил ёзги болаларни дам олдириш ва соғломлашти-риш ташкилотчиларининг мав-сум якунларига бағишланган анжумани бўлиб ўтди.

Унда болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумини уюшқоқлик би-лан ташкил этган ташкилотлар ҳамда оромгоҳларда фаолият юритган энг фаол, ташаббускор ходимлар рағбатлантирилди.

«Лочин» оромгоҳи тар-биячиси Гавҳар Худойку-лова «Энг ғамхўр тарбиячи», «Зангори олов» оромгоҳи

Муқимбой ИСМОИЛОВ, «ISHONCH»

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ РАИСИ ҚУДРАТИЛЛА РАФИКОВНИНГ «УСТОЗЛАР – КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЭЪЗОЗИДА» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ТАДБИРДАГИ НУТҚИ



Ассалому алайкум, азиз устозлар, қадрли дўстлар!

Мухтарам устозларимиз, ўқитувчи ва мураббийларимизни касб байрами муносабати билан шарафлашга бағишланган тантанали тадбиримизга хуш келибси!

Ўзбекистон Республикаси Президенти, мухтарам Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг қатъий саяёҳаракатлари, раҳнамолиги билан, мана уч йилдирки, азиз устозларимизнинг касб байрами алоҳида эътибор ва эҳтиром билан нишонланмоқда.

Аслини олганда, давлатимиз раҳбари жамият тараққиётида ўқитувчининг, устоз ва мураббийнинг бекиёс ўрни, улкан салоҳияти муҳим аҳамият касб этишини қалбдан ҳис қилган ҳолда, мамлакат раҳбарлигига сайланган кунданок таълим соҳасига, шу соҳада заҳмат чекиб йиллар давомида муносиб қадр тополмай, руҳан изтироб чекаётган азиз инсонларнинг ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг келажақ авлоди Ватанга муносиб қилиб тарбиялашдаги бекиёс хизматларини эътиборга олишни давлат сиёсатининг устувор вазифаси даражасида кун тартибидан туширмай келмоқдалар.

Ўтган қисқа давр ичида ўқитувчиларнинг ойлик маошлари икки ярим баробарга оширилди. Бу дунёдаги саноклигини давлат раҳбарлари томонидан амалга оширилган сиёсатдир.

Ва, энг муҳими, ҳали иқтисодий ривожланиш улгурмаган, жамиятда ҳал этилмаган минглаб муаммолар мавжудлигига қарамай, Президент эртанги кун учун энг муҳим муаммони тўғри танлаб олди. Бу ўз-ўзидан бўладиган иш эмаслигини бир ерда ўтирганларнинг ҳар бири жуда яхши идрок этиши, шубҳасиз.

Эътибор қилинг, **биргина халқ таълими тизимида 550 минг нафардан ортиқ ўқитувчи ишлайди, олий ва ўрта махсус таълим, мактабгача таълим соҳаларида эса 130 минг нафардан зиёд муаллимлар, тарбиячи ва мураббийлар фаолият юритмоқда.** Бу эса Президентнинг мазкур сиёсати натижасида Ўзбекистондаги қарийб уч ярим-тўрт миллион киши мана шу ғамхўрликни бевосита ўз оиласи, дастурхонида ҳис этмоқда, деганидир.

Энг муҳими эса соҳага эътибор туфайли таълим сифатининг кескин ошиши кутилмоқда. Энг яхши натижаларга эришаётган устозларни эса янада кўпроқ рағбатлантириш тизими яратилмоқда. Ахир биз бу кунни нақадар муштоқлик билан кутмаганмидик?

Шавкат Мирзиёевнинг таълим соҳасига қилаётган бундай юксак раҳнамолиги нафақат Ўзбекистондаги ўқитувчиларимиз, устозларимиз, балки бутун дунё жамоатчилигининг ҳам эътирофи сазовор бўлмоқда.

Тўғриси айтганда, бу сиёсат замирида жуда катта рақамлар турибди.

Ўтган қисқа вақт ичида қўллаб таълим муассасалари реконструкция қилинган, янги мактаблар қурилиб, фойдаланишга топширилган соҳадаги ривожлантириш тизими ва комплекс равишда амалга оширилаётганининг ёрқин тимсолидир.

Азиз устозлар!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам мухтарам Президентимизнинг ушбу ғамхўрлигидан руҳланиб, тизимда фидокорона меҳнат қилиб келаётган, таълим соҳасининг асл жонқуярларини тақдирлаш, уларга доимий эътибор кўрсатиб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Бугунги кунда, Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси тизимидаги 17 минг 981 та бошланғич ташкилотнинг қарийб 55 фоизи умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатмоқда.

Мазкур муассасаларда касаба уюшма кўмиталари ва иш берувчилар ўртасида имзоланган Жамоа шартномалари орқали ўқитувчи ва мураббийларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқлари ҳимояланмоқда.

Таъкидлаш лозимки, республикамиз умумтаълим мактабларидаги бошланғич касаба уюшма кўмиталари раислари жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадилар. Яъни, ўзларининг асосий ишлари билан бир вақтда, бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси вазифасини ҳам бажарадилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси «Устозлар – касаба уюшмалари эъзозидан» республика танловини ташкил этди. Бундан кўзланган асосий мақсад фидойи ва жонқуяр ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини муносиб қадрлашдан иборатдир.

Унда таълим муассасасида 20 йилдан ортиқ педагогик стажга эга бўлиш билан бирга 10 йилдан ортиқ касаба уюшма кўмитаси раиси сифатида фаолият кўрсатиб келаётган 1 минг 135 нафар ўқитувчи иштирок этиш истагини билдирди. Қубонарли томони, улар орасида республикамизнинг энг чекка ва олис ҳудудларида фаолият юритаётган ўқитувчи ва мураббийлар жуда кўпчиликини ташкил этди.

Махсус комиссиялар номзодларнинг фаолиятини ошқор ва адолатли баҳолаб, ғолибларни аниқлаб берди. Биз бугун ушбу танлов ғолиблари катта ҳурмат ва эҳтиром билан мукофотларни топширмоқчимиз.

Бир сўз билан айтганда, кўрик-танловимиздан кўзланган мақ-

садга эришдик, деб айта оламиз. Аввало, ўқитувчига бўлган юксак ҳурмат масаласи ҳар бир таълим муассасасида муҳокамада бўлди.

Аслини олганда, кўрик танловда иштирок этишга жазм этган 1135 та бошланғич ташкилотнинг ҳар бири ҳам ўзига хос ғолибдир, дея оламан.

Комиссия аъзоларининг танлов бўйича хулосалари менинг шундай дейишимга асос бермоқда. Шулардан келиб чиқиб, ижозатингиз билан республика босқичига етиб келган 42 та бошланғич ташкилотнинг барчасига «**Ибрат намунаси даражасидаги таянч бошланғич ташкилоти**» деган мақом берсак, нима дейсизлар?

Ташкилотчилар, шунингдек, жойлардан тушган қўллаб-тақлифларни инobatга олиб, танлов доирасини кенгайтирган ҳолда уни ҳар икки йилда бир марта анъанавий тарзда ўтказиб бориш тақлифини илгари сурмоқчиман.

Азиз дўстлар!

1 октябрь нафақат устозлар байрами, балки улар тарбиялаб вояга етказган миллионлаб инсонларнинг ҳам байрамидир. Шундай экан, биз ҳам фақатгина танлов натижалари билан кифояланмоқчи эмасмиз.

Мен сизларни бугунги тадбиримизда ўз ҳаётини келажақ авлоднинг баркамол бўлиб вояга етиши, она юртимизга муносиб ворисларни тарбиялаш ишига бағишлаб келаётган, ўнлаб, юзлаб шогирдлар етиштириб халқимизнинг катта ҳурмат ва эъзозига мурасиб бўлган азиз меҳмонларимиз билан ҳам таништириб ўтмоқчиман.

Хоразм вилоятининг Хива шаҳридан ташриф буюрган, қарийб қирқ йилдан буён «устоз» деган табарруқ номни шарафлаб келаётган **Ҳурмат Матчанов** Хива шаҳридаги 121-давлат мактаб-интернати бошланғич синф ўқитувчиси, ўттиз уч йилдирки, мазкур мактаб-интернатнинг касаба уюшма кўмитаси раиси. «Халқ таълими аълочиси», «Шухрат» медали соҳиби Ҳурмат аканинг шогирдлари бугунги кунда халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида самарали фаолият кўрсатмоқда. Улардан етти нафари устози ёнида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Демак, **Ҳурмат ака бугун ҳақли равишда устозларнинг устози ҳамдир.**

Касаба уюшма кўмитаси сардори сифатида амалга ошириб келаятган ишлари таҳсинга лойиқ Ҳурмат аканинг ҳаёт йўли ҳам нафақат шогирдлари, издошлари, балки барча учун ҳам ибрат мактабидир.

Жиззах вилояти Зомин туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактаби жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, 1994 йилдан бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси **Баҳром Номозов**.

2014-2016 йилларда ушбу мактаб қатор кўрик-танлов, спартакиада ва фан олимпиадаларида юқори ўринларни эгаллаган. Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танловининг 2018 ва 2019 йилларда вилоят босқичи ғолиби бўлган Баҳромжонга келгусидаги эзгу ишларида улкан омадлар тилаб қоламиз.

Абдурашид Эргашев – 2003 йилдан Андижон вилояти Асака тумани 26-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси. Унинг бевосита ташаббуси билан мактаб маъмурияти ва касаба уюшма кўмитасининг ижтимоий шерикчилиги асосидаги фаолияти кўлами кенгайди. Айниқса, таълим сифатига мактаб миқёсида алоҳида эътибор қаратилган.

Абдурашиднинг шогирдлари фан олимпиадаларининг барча босқичларида кўп бор фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Тошкент давлат техника университети кафедра мудири, техника фанлари доктори, профессор **Парахат Матякубова**. Парахатхоннинг кейинги уч йилда 97 та илмий мақоласи чоп этилган, илмий тадқиқот ўтказиш учун режалаштирилган 17 та ишда илмий раҳбар бўлган, 7 та дарслик, 5 та ўқув қўлланма тайёрлаган. 37 йиллик педагогик стажга эга.

2019 йил «Дўстлик» ордени билан тақдирланган. Назаримда, Парахатхон ўз ҳаёт йўли, қилаётган эзгу ишлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Парахатхонни Мухтарам Президентимиз истаётган таълим ва фан фидойилари қаторида энг олдинги ўринларда, дея баралла айта оламиз.

Тошкент давлат техника университети қошидаги академик лицейнинг математика фани катта ўқитувчиси **Жамшид Бўронов**. 2018-2019 ўқув йилида у раҳбарлик қилган гуруҳ битирувчиларининг миллий ва хорижий олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичи 100 фоизни ташкил этган.

Биз ёш ўқитувчилар орасида Жамшидхондек малакали, ватанпарвар, ўз касбига бутун меҳрини бера оладиган устозларнинг кўпайишини жуда-жуда оқтай эдик.

Сайёра Маткаримова – 2004 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани 1-умумтаълим мактаби касаба уюшма кўмитаси раиси, «Қорақалпоғистон халқ таълими аълочиси», 2006 йилда «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови ғолиби бўлган.

Шубҳа йўқки, орамизда юксак марраларни забт этган ва ундан-да юқори чўққиларни қўлаб, интилиб яшаётган яна кўплаб устоз ва мураббийлар бор.

Биз Федерация раёсати аъзолари бугунги тантанали тадбирга янада байрамона файз беришга қарор қилдик. Таълим соҳасидаги фидокорона меҳнатларига ҳурмат рамзи сифатида **5 нафар ўқитувчи ва устоз касабаси уюшмалари Федерациясининг энг юксак мукофоти – «Эҳтиром» нишонини топширишга қарор қилдик.**

Бу мукофот устозларнинг кўп йиллар касаба уюшмалари томонидан эъзоз ва эътиборда бўлишини таъминлайди. Уларга тизимдаги дам олиш масканлари, даволаш муассасаларида имтиёзли дам олиш ва даволашни имкониятлари яратилади.

Шу билан бирга фидойи устозлардан **7 нафарига тизимдаги санаторийларда бепул дам олиш йўлнамаларини тақдим этмоқчимиз.** Бу эса касаба уюшмалари тизимдаги заҳматли ва шарафли меҳнатингизга бизнинг миннатдорлигимиз рамзи бўлиб қолади, деб ўйлаймиз.

Раёсат аъзоларининг яқдил қарорига кўра, уч нафар ўқитувчига қимматбаҳо совға ҳозирлангиз.

Ўйлаймизки, бугунги байрам шукўҳи бизни узоқ вақт тарқ тайди. Ва яна сизларга ваъда бериб айтаманки, биз мухтарам Юртбошимиздан ўрнак олиб, таълим соҳасининг энг яқин таянчи, ҳамкори бўлиб қоламиз.

Азиз дўстлар, яна бир бор барчангизни **Ўқитувчи ва мураббийлар байрами** билан самимий кутлайман.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ-салооматлик, юртимиз келажаги учун олиб бораётган эзгу ишларингизда улкан зафарлар тиламан.



УСТОЗЛАР – КАСАБА

«1

Тадбирда катта иш тажрибасига эга педагоглар, соҳага эндигина кириб келаётган ёш муаллимлар, таълим муассасаларидаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари ва фаоллар иштирок этди.

Тантанали тадбирни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиков очиб, соҳа ходимларини байрам билан кутлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар, касаба уюшмалари томонидан соҳа ходимларига кўрсатилаётган эътибор ва эҳтиром ҳақида сўз юритди. Ҳар бир соҳадаги ислохотлар инсон манфаатларини таъминлашга қаратилаётгани, мазкур жараёнда таълим тизимини такомиллаштириш, масъулиятли ва шарафли касб эгалари бўлган ўқитувчи ва мураббийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жамиятда уларнинг нуфузини оширишга катта эътибор қаратиётганини эътироф этди.

Кейинги йилларда халқ таълими тизимини тубдан ислохот қилиш, таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ота-оналар ва жамоатчилик фикри инobatга олиниб, мамлакатимизда 11 йиллик мактаб таълими тизими тикланди. Педагогларга ҳар томонлама

эътибор қаратилиб, ойлик маоши икки ярим бараварга оширилди. Буларнинг барчаси соҳа ривожига ва устоз ва муаллимларга бўлган бекиёс эътиборнинг ёрқин намунаси.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси фаолиятида ҳам ўқитувчи ва мураббийларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, малакаси ва жамиятдаги нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўриши мақсадида тизимли тадбирлар амалга оширилмоқда. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тизимидаги муассасаларда касаба уюшма кўмиталари ва иш берувчилар ўртасида имзоланган Жамоа шартномалари орқали ўқитувчи ва мураббийларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат ҳуқуқлари ҳимояланмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 23 август кунини халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифаларнинг тўлақонли амалга оширилишига муносиб ҳисса қўриши мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси то-

монидан «Устозлар – касаба уюшмалари эъзозидан» республика танлови ўтказилиши эълон қилинган эди.

Мазкур танлов уч босқичда ташкил этилиб, унда энг чекка ва олис ҳудудларда фаолият кўрсатаётган ўқитувчи ва мураббийлар ҳам қамраб олинди.

Иштирокчиларни баҳолашда уларнинг ёш авлодга таълим-тарбия бериш, ўғил-қизларнинг маънавий ва интеллектуал оламини бойитиш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, касаба уюшма кўмитаси фаолиятини такомиллаштириш, соҳа ходимларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашдаги амалий ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман (шаҳар) кенгашларида тузилган комиссиялар томонидан иштирокчиларнинг фаолияти адолатли баҳолашиб, юқори натижа кўрсатган номзодлар вилоят босқичига йўлланма олди. Худудий касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаларида ташкил этилган махсус комиссиялар республика босқичи қатнашчиларини аниқлаб берди.

Касаба уюшмалари Федерациясида тузилган махсус комиссия республика босқичида ҳар бир ҳудуддан биттадан энг юқори балл тўлаган 14 нафар соҳа ходими орасидан финал босқичи ғолибларини саралади.

ФАОЛЛИК РАҒБАТИ

Шундан сўнг олий ва халқ таълими, мактабгача таълим, ихтисослаштирилган махсус таълим муассасаларида самарали меҳнат қилиб келаётган, соҳани ривожлантиришга ҳамда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш билан бирга касаба уюшма ишини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган педагоглар Касаба уюшмалари Федерациясининг «Энг фаол ёш ўқитувчи», «Инновацион фаол ходим» ва «Энг маҳоратли ўқитувчи» номинацияларига сазовор бўлиб, муносиб тақдирланди.

«Инновацион фаол ходим» номинацияси соҳибаси Юнусобод туманидаги 560-кўп ихтисосли махсус мактабгача таълим муассасаси методисти Феруза Каримова янги педагогик технологиялар, интерфаол усулларни амалиётга жорий этган ва бир қатор инновацион тадқиқотлари билан юқори натижаларга эришган.

«Энг маҳоратли ўқитувчи» номинацияси совриндори Шайхонтоҳур туманидаги 527-мактабгача таълим муассасасининг жисмоний тарбия йўриқчиси Азиза Юнусова эса спорт соҳасини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган. Унинг шогирдлари 100 дан зиёд мусобақаларда ғолиб бўлган.

«Энг фаол ёш ўқитувчи» номинациясига муносиб топилган Тошкент давлат техника университети қошидаги академик лицейнинг математика фани ўқитувчиси Жамшид Бўронов олий таълим муассасаларига ўқувчилари энг кўп кирган устоз сифатида эътирофга сазовор.



АРДОҚКА МУНОСИБ ФАХРИЙЛАР

Тадбирда дастлаб таълим тизимида узоқ йиллардан бери меҳнат қилиб, юқори натижаларга эришиб келаётган фидойи устоз ва мураббийлардан бир гуруҳига касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлаш учун йўлнамалар топширилди.

– 37 йилдан буён мураббийлик қиламан, – дейди Тошкент давлат техника университети профессори Парахат Матякубова. – Ўтган йиллар давомида Корея, Германия ва Канада давлатларида бўлиб ўтган илмий анжуман ва халқаро конференцияларда иштирок этдим. Яқиндагина Канадада ўтказилган бутунжаҳон форумида «Йил мутахассиси» номинациясини қўлга киритиб, олтин медаль ва диплом билан тақдирландим. Экспертлар яратган илмий янгиликим, яъни дон маҳсулотлари намлигини назорат қилиш бўйича қурилма лойиҳаси ва унинг дастурий таъминотини юқори баҳолашди. Айтиш пайтда Инновацион ривожланиш вазирлиги ушбу янгиликни амалиётга татбиқ этиш устидан ишламоқда. Касаба уюшмаларининг фаолиятини эътироф этиб, юртимиздаги энг яхши санаторийлардан бирига йўлланма бериши эса қувончимга қувонч қўшди.





УЮШМАЛАРИ ЭЪЗОЗИДА



ЛОБАРХОН «SPARK» СОҲИБАСИ

Тантанали тадбирнинг «Устозлар – касаба уюшмалари эъзозид» республика танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган қисми ниҳоятда ҳаяжонга бой бўлди. Дастлаб, совриндор бўлган 11 нафар ўқитувчига диплом ҳамда ноутбук топширилди. Шундан сўнг энг ҳаяжонли дақиқалар бошланди. Қашқадарё вилояти Деҳқонobod туманидаги 69-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Дило-

Бугунги эришган ютуғим меҳнатларининг амалдаги эътирофи бўлди. Бунинг учун ташкилотчиларга раҳмат. Келгусида ҳам кўлимдан келгунча жамоа манфаати йўлида фаолият олиб бораман. Ва ниҳоят, танловда муваффақиятли иштирок этган Наманган вилояти, Тўрақўрғон туманидаги 1-умумтаълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Лобархон Рустамова 1-ўринга муносиб

ЭҲТИРОМИМИЗ СИЗГА!

Тадбир давомида кўплаб шогирдлар етиштириб, соҳа ривожини йўлида барча имконият ва салоҳиятини намоён этиш баробарида бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси сифатида фаоллик кўрсатиб, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаятган фидоий устозлар, шунингдек, меҳнат фахрийларидан бир гуруҳи Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Эҳтиром» нишони билан тақдирланди.

Чексиз ҳаяжондан, – дейди Хоразм вилояти Хива шаҳридаги 121-кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернати бошланғич синф ўқитувчиси, «Эҳтиром» нишони соҳиби Хурмат Матчанов. – 41 йиллик фаолиятим давомида ёш авлодга қўлдан келганча таълим-тарбия бериб келяман. Шогирдларим ҳаётда ўз ўрнини топаётганидан қувонаман. Меҳнатим қадр топганидан бахтиёрман.

МЎЙНОҚЛИКЛАРГА ТУҲФА



Президентимиз жорий йилнинг август ойида Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида Мўйноқ тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, мазкур ҳудудда яшаётган аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, турмуш даражасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, қатор ташаббусларни илгари сурган эди. Белгилаб берилган вазифаларнинг амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Тантанали тадбирда Мўйноқ туманидаги «Оқ кема» болалар соғломлаштириш оромгоҳига «Damas» автомобили совға қилингани бунинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Автомобиль калити Мўйноқ туманидаги 2-умумтаълим мактаби директори, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Мўйноқ тумани кенгаши раиси Мирзабек Хожаметовга топширилди.

Ёш авлод вакиллари маънавий, жисмоний ва интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш, шунингдек, ёзги мавсум давомида ўғил-қизларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришларини таъ-

минлашда муҳим аҳамият касб этадиган муассаса учун ушбу совға муносиб туҳфа бўлди.

Туманимизда 31 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Уларнинг фарзандлари таълим ва тарбия олиши йўлида ҳудуддаги 17 та умумтаълим мактабда 720 нафар педагог ходим меҳнат қилмоқда, – дейди М.Хожаметов. – Бундан бир неча йил муқаддам оғир табиий шароит туфайли айрим устозлар ўз ишини ташлаб кетишга мажбур бўлганди. Эндиликда Президентимизнинг ҳудудимизга тез-тез ташриф буюриб, ёшларимиз, аҳоли учун барча зарур шароитларни яратиш кераклиги ҳақидаги ғоялари халқимиз, шу жумладан, педагоглар учун ҳам келажакка умид ва ишонч бўлмоқда. Айни пайтда туманимизда мўйноқлик болалар учун 200 ўринли «Оқ кема» соғломлаштириш оромгоҳи қурилмоқда. Шу кунларда унинг қурилиши якунланиб, пардозлаш ишлари олиб бориляпти. Кейинги йил ёз мавсумида оромгоҳ беш навбатда 1000 нафар болани қабул қилади.

Бундан ташқари, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш учун ҳудудимизда санаторий қурилиши ҳам режалаштирилган. Ҳадемай, мазкур иншоотлар қуриб битказилса, туманимиз кўркіга кўрк бағишлайди.



ром Тошмуродова танловнинг 3-ўрин соҳибаси бўлди. Унга 3-даражали диплом ҳамда «Samsung» кир ювиш машинаси топширилди. Навоий вилояти Конимех туманидаги 2-умумтаълим мактаби касаба уюшма кўмитаси раиси Нурия Тўрақулова 2-ўринга муносиб топилиб, 2-даражали диплом ва «Samsung» музлатгичи билан тақдирланди.

– Фаолиятим давомида жамоа ходимларининг ижтимоий ҳимояси, дам олиши, соғломлаштирилиши каби жиҳатларга қўлимдан келганча эътибор қаратиб келаяман, – дейди Дилором Тошмуродова. – 2017 ва 2018 йилларда бўлиб ўтган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичида мактабимиз ўқитувчилари юқори ўринларни қўлга киритган бўлса, мактаб бошланғич касаба уюшма ташкилотининг фаолияти вилоятимизда ҳамisha биринчиликка муносиб кўрилади.

Салим АБДУРАҲМОНОВ, Зебо НАМАЗОВА, Озода РЎЗИҚУЛОВА, «Ishonch» муҳбирлари



«УСТОЗЛАР – КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЭЪЗОЗИДА» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

1-ЎРИН

Рустамова Лобархон – Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги 1-умумтаълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси.

2-ЎРИН

Тўрақулова Нурия – Навоий вилояти Конимех туманидаги

2-умумтаълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси

3-ЎРИН

Тошмуродова Дилором – Қашқадарё вилояти Деҳқонobod туманидаги 69-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси

СОВРИНДОРЛАР

1. Маткаримова Сайёра Реймбаевна – Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги 1-умумтаълим мактаби рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси

2. Эргашев Абдурашид Юнусович – Андижон вилояти Асака туманидаги 26-умумтаълим мактаби рус тили фани ўқитувчиси, бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси

3. Абдупагопова Розия Раувовна – Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 29-умумтаълим мактаби рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси

4. Номозов Баҳром Баҳодирович – Жиззах вилояти Зомин туманидаги 51-умумтаълим мактаби жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси

5. Шарипова Гулнора Абдуломовна – Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги 29-умумтаълим мактаби немис тили фани ўқитувчиси, бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси

6. Норқобилова Ашургул Жумаевна – Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги 53-умумтаълим мактаби она тили ва адабиёти фани ўқи-

тувчиси, бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси

7. Жўраева Саломат Исоқулловна – Сирдарё вилояти Сардоба туманидаги 15-умумтаълим мактаби рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси

8. Илқомова Дилфуза Убайдуллаевна – Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 30-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси, бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси

9. Сайдалиева Гулсара Ёркиновна – Тошкент шаҳри Юнусobod туманидаги 96-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси, бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси

10. Ибрагимова Матлубахон Иномжоновна – Фарғона вилояти Данғара туманидаги 13-умумтаълим мактаби инглиз тили фани ўқитувчиси, бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси

11. Шарипова Шаҳодат Юлдашовна – Хоразм вилояти Янги-бозор туманидаги 69-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси, бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси

«ЭҲТИРОМ» НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАНЛАР

1. Маъсудов Хайриддин Фатхудинович – Меҳнат фахрийси, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раёсати аъзоси

2. Очилов Шукрулло Нусратуллович – Бухоро муҳандислик-технология институти ўқитувчиси, бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси

3. Матчанов Хурмат Аҳмедович – Хоразм вилояти Хива шаҳридаги 121-кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернати бошланғич синф ўқитувчиси, бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси

4. Жуманова Мамаҳол Саидовна – Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги 18-кўриш имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасасининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси

5. Малык Ольга Петровна – Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги 307-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби рус тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси

6. Турсунова Азиза Ҳамидуллаевна – Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги 7-умумтаълим мактаби рус тили фани ўқитувчиси

7. Раҳимова Наргиза Исақовна – Тошкент шаҳри Миробод туманидаги 126-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТИЗИМИДАГИ САНАТОРИЙЛАРГА ЙЎЛЛАНМА ОЛГАНЛАР

1. Матякубова Парахат Майлиевна – Тошкент давлат техника университети метрология, стандартлаштириш, сертификациялаштириш кафедраси мудири, профессор

2. Якубов Жамолддин Абдувалиевич – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети француз тили назарияси ва амалиёти кафедраси профессори

3. Қуронбеков Аҳмадул – Тошкент давлат шарқшунослик институти эрон-афғон филологияси кафедраси профессори

4. Эшқобилов Холиқул Қаршиевич – Қарши муҳандислик-иқтисодий институти технологик машиналар ва жиҳозлар кафедраси мудири

5. Шайдулло Лилия Маҳмудовна – Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги 238-умумтаълим мактаби технология фани ўқитувчиси

6. Турсунова Азиза Ҳамидуллаевна – Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги 7-умумтаълим мактаби рус тили фани ўқитувчиси

7. Раҳимова Наргиза Исақовна – Тошкент шаҳри Миробод туманидаги 126-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси

НОМИНАЦИЯЛАР БЎЙИЧА РАҒБАТЛАНТИРИЛГАНЛАР

«Энг фаол ёш ўқитувчи»
Бўронов Жамшид – Тошкент давлат техника университети қошидаги академик лицейнинг математика фани ўқитувчиси.

«Инновацион фаол ходим»
Каримова Феруза – Тошкент шаҳри Юнусobod туманидаги 560-

кўп ихтисосли махсус мактабгача таълим муассасаси методисти

«Энг маҳоратли ўқитувчи»
Юнусова Азиза – Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 527-мактабгача таълим муассасасининг жисмоний тарбия йўриқчиси

Биринчи мартаба мактабга борганимда чеҳраси нурли, самимий ва хокисор, ўзини унутиб ўқувчиларини ўйлайдиган дилбар инсон – устозим Холида опа Тўраева пешвоз чиққан эди. Қўлларимдан тўтиб ёзишни, ҳарфларни ҳарфларга улаб ўқишни, илк бор Ватан, Она, дўстлик, садоқат, меҳр, оқибат каби туйғулар маъносини ўргатди. Тарбиядан, одоб-ахлоқдан сўзлади. Устозимнинг гапларини жон қўлоғим билан тинглаб, ҳаётим учун қоида, деб билардим. Онамни қанчалик яхши кўрсам, устозимга бўлган муҳаббатим ҳам ундан кам эмас эди. У кишининг ўзини тутуши, юриш-туруши ва гапиришига ҳавас қилардим.

Эр талаб мактабга келибоқ муаллимнинг йўлини пойлар, келатганини узокдан кўрсам, йўлига пешвоз чиқиб, қўлидан тутганча синфхонага бирга кириб келишга орзуман бўлардим. Не бахтки, кўпинча, бунга муяссар бўлардим ҳам. Ахир, унинг энг сеvimли ўқувчиси ва ёрдамчиси эдим-да!

Ушанда Холида опа ҳали бизга номаълум бўлган билимлар оламига болаларча самимийлик ва завқ-шавқ билан олиб кираётгани рост эди. Дарсларимиз баъзида қизиқарли ҳикоялар билан ўтган бўлса, баъзида ким ўзгар бешлашувга айланган кетар эди. У шу қадар ўз ишининг устаси эдики, кўрганлар синфимиздаги деярли ҳамма ўқувчининг ёзуви бир хиллигидан ажабланар, «Бунга қандай эришгансиз, Холида опа?» дея тумандан келган педагоглар ҳам оддий қишлоқ муаллимасининг тажрибасини ўрганишга иштиёқман бўлар эди.

Дарвоқе, устозимнинг яна бошқа сеvimли ўқувчилари ҳам бор эди. Она тили ва ўқиш фанидан менга етадигани топилмаса-да, баъзида математикадан синфдошим Уткир ёки Матлуба топшириқни биринчи бўлиб бажарарди. Яширмайман, Холида опа уларни мактаб қолса, болаларча ичимдан устозимни улардан қизганардим. Аммо сезардимки, Холида опа ҳар биримиздаги ўзига хос жиҳатлар ва иқтидорни йиғиб, алоҳида ёндашар, бизни боримизча яхши кўрарди. Шу сабабми, аълочи-ю иккичи – барча синфдошлар синф раҳбаримизни жуда-жуда яхши кўрардик. Баъзида «Сизлар энг тўпполончи синфсизлар», «Мактабда сиздек қулоқсиз синф йўқ», деб биздан хафа бўлса-да, аъло натижаларимиздан чеҳраси ёришиб кетар, бисотидаги энг ширин сўзлар билан эр-

калаб суярди. «Болажомин», «қизим», «ўғлим» деб, исмиимизга «жон» қўшиб қақирар, назаримда, биз у кишининг ҳаёти мазмуни эдик.

Кутилган кун дарсдан сўнг Гулхан опа келтирган ширинликларни кўтарганча, устозимизни йўқлаб йўлга тушдик. Холида опа мактабдан унча узоқ бўлмаган маҳаллада яшар экан.

Қизиқ, илгари акам билан ҳам, онам билан ҳам бу кўчадан ўтмаган эканман. Устозимнинг кўчаси кўзимга файзли ва бошқача кўришиб кетди. Бир уйнинг олдида келганимизда Гулхан опа:

– Болалар, мана етиб келдик, шовқин қилмаймиз лекин, – деб огоҳлантирди. Дарвоза қўнғирогини

– Орзубек, ойинг яхшимилар ўзи, анча тузалиб қолдиларми?

Гулхан опанинг гапидан билдимки, у устозимнинг ўғли... Негадир бутун вужудимни бир нарса қулғаб олди. Наҳотки, устозимнинг ўғли бўлса! Ахир у ҳаммадан ҳам бизларни яхши кўрмайдими? Миямда саволлар ғўжғон ўйнади. Устозимни кўриш иштиёқидан шовиб келаётган оёқларим бироз секинлашди. Шаштим пасайди. Бу орада сал нарида секин-секин юриб келаётган, қувончдан юзлари ёришиб турган Холида опага кўзим тушди. Уларнинг ортида худди устозимга ўхшайдиган бир қиз ва бири ўғил бола турарди.

Синфдошларим югуриб Холида опанинг бағрига отилди. Мен ҳам улардан ортада қолмасликка интилдим. Бирма-бир кўриша бошлади. Охирроқда етиб бордим. Негадир устозимни соғинганимданми, йўқ, йўқ, тўғрироғи, уларнинг фарзандлари борлигини тасаввур қилмаганим, ҳаммадан ҳам мени, биз, ўқувчиларини кўпроқ яхши кўради, деб ўйлаганим учунми, унинг атрофида фарзандларини кўриб, устозимни улардан қизганиб, бағрига етиб борган заҳотимок йиғлаб юбордим... Шу тобда хурсандчиликдан ғала-ғовур қилаётган синфдошларим менга қараб қолишди. Бир, «Нима бўлди, тинчликми?», деса, Гулхан опа «Вой, қизим, ҳозиргина хурсанд бўлиб келаётган эдинг-ку, нега йиғлаясан?», дея ажабланиб қолди. Аммо ўзимнинг жонажон устозим ичимдан ўтган ҳисларни англагандек эди. Чунки мен уни ҳаммадан кўпроқ яхши кўришимни биларди-да. Шу боис вазиятни юмшатиш учунми, мени маҳкамроқ бағрига босиб, таъкидлади: – Зебо энг яхши кўрган ўқувчим-да, мени қаттиқ соғинган. Кўриб, хурсанд бўлганидан йиғлаб юборди.

Устозимнинг эътиборидан бироз таскин топдим. Аммо барча кўрнчага ўтириб, дастурхон атрофида дуо қилинаётганда устозимнинг фарзандларига ана бир бор ўзимга-да тушунарсиз ҳиссиёт билан зимдан қараб қўйдим. Кўнглимдан ҳали дунёни эндигина англаётган бошланғич синф ўқувчисига хос бироз аламли фикр ўтди: Устозимнинг ҳам ўз ҳаёти бор экан...

Зебо НАМОЗОВА

Меҳр рашки



...Бир куни муаллимимиз дарсга келмади. Тўрт кун ўтди ҳамки, Холида опадан дарак йўқ. Бир ҳафталардан кейин парралель синф раҳбари Гулхан опа бизга «Устозингиз бетоб бўлиб қолибди. Хоҳласангиз, биргаликда кўриб келамиз», деди. Бу хабардан бироз хафа бўлган бўлсак-да, ҳарқалай кўнглимиз ёришиб кетди. Бутун синфда «Эртага устозимизни кўргани борамиз», деган гап тарқалди.

босганда юрагим гупиллаб урарди. Гўёки менинг қалбимда ҳаяжон, така-пука кўнғироклар чалингандек эди. Кўнглимдан «Холида опа қандай аҳволда экан, бизни кутиб ётганмикан, кўриб жуда хурсанд бўлса керак!» деган саволлар ўтарди. Шу тобда узун бўйли йигит эшикни очди. Салом бериб, ичкарига тақлиф қилди. Уни кўриб негадир ажабландим, кўнглимда алланечук савол уйғонди: – Ким экан бу бола устозимга?!

Тошкент шаҳри

Биз бахтиёр болалармиз

Бу йил мен таҳсил олаётган мактаб жамоаси ҳаётида муҳим янгилик бўлди. Республикадаги кўплаб таъмирланган ва реконструкция қилинган мактаблар қаторида билим даргоҳимиз ҳам юқори сифатда таъмирдан чиқди. Кўплаб мебеллар, синф парталари, стол-стулар ва турли жиҳозлар келтирилди. Мактаб худудига манзарали дараклар ва гуллар экилди.

Бугун мактабимизда замонавий билимларни эгаллаш учун барча шароит ва имкониятлар бор. Бундан нафақат мактаб жамоаси, балки барча устозлар ва ота-оналар ҳам ниҳоятда мамнун.

Миннатдорлик

Таълим масканимизда 1243 нафар ўқувчи сабоқ олади. Бу йил 148 нафар ўқувчи биринчи синфга қабул қилинди. Улар ҳар жиҳатдан кўркам ва янги қиёфадаги масканда илк сабоқларини олишмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, устозларимни ўқитувчи ва мураббийлар куни билан табриклайман!

Яратиб берилган имкониятларга жавобан эса чуқур билим олиш ва уни истиқболда Ватанимиз тараққиётга сарфлашга ваъда бераман.

Ҳикмат БОЙМУРОДОВ,
Учтепа туманидаги
229-умумтаълим
мактаби ўқувчиси

Қашқадарё вилояти

Қадрдан қадрлар юксалмоқда

Китоб туманидаги Дўнқишлоқ қишлоғида жойлашган 87-умумтаълим мактабида ишлаб билим таълим муассасасида «Устоз-шоғирд» аъёнасига катта эътибор қаратилади. Яъни, тажрибали ўқитувчилар ёшларга бириктирилиб, машаққатли касб сир-асрорларини ўргатишади. Дарсларини кузатиб, зарур тавсиялар беришади.

Мактаб директори ўринбосари Дилшода Пармонова, инглиз тили фани ўқитувчиси Таҳмина Алимова, математика фани ўқитувчиси Нигора Пардаева сингари устозларнинг фидойилиги ёшларга ибрат бўлмоқда.

Маълумки, ўтган йили барча таълим муассасаларида шаффофликни таъминлаш, таълим-тарбия ишларига қўмақлаш мақсадида «Кузатув кенгашлари» тузилганди. Бизнинг мактабда ҳам ушбу кенгаш самарали фаолият олиб бормоқда. Ҳомийлар жалб этилиб, янги ўқув йили арафасида таълим муассасаси таъмирлаб берилди.

Дил сўзи

Кенгаш аъзолари дарсларни кузатишпти. Ота-оналардан тушадиган тақлифларни педагогларга етказиб, ҳам жиҳатликда ишлашда кўмаклашапти.

Таълим муассасасидаги соғлом, ишчан муҳит қўлимга қалам олишга ундади. Яъни бўш ўтирган ўқитувчини кўрсангиз. Дарсини ўтади, сўнгра тўғарақларда ўқувчиларга қўшимча сабоқлар беради. Ҳудудий метод бирлашма ҳафталиклариде қатнашиб, иш ўрганади ва ўргатади. Ўқувчилари «Билимлар беллашуви», «Фан олимпиадалари»да яхши натижага эришганлар муносиб рағбатлантирилади.

Айтмоқчи бўлган гапим шуки, чекка қишлоқларда ҳам таълим тизими буткул ўзгарди. Ўқитувчилар меҳнатининг қадрланиши уларнинг қаддини кўтариб, ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилишга ундамоқда.

Дилобар НУРМУРОДОВА,
Китоб туманидаги
87-умумтаълим
мактаби ўқитувчиси



Биринчи муаллим!

...Умр – йўл, бу йўлнинг бекатлари кўп. Ҳаётнинг ўзидир катта дарсхона. Қай манзилни кўлаб сафарга чиқманг, оддий алифбодан бошланар дунё. Мактаб деб аталган кутлуғ гўшанинг остонаси зиё, нурдан яралган. Аслида ер шарин қафтида тўтиб, илмдир оламни обод айлаган. Билим – хазинадир, топмоқлик учун, «Игна ила қудуқ қазмоқлик даркор». Бунинг-чун катта бир ҳозирлик керак, тунларни ўтказмоқ керакдир бедор. Пилдираб, чопқиллаб юрган болалик, толиблик ҳиссини туймоғи қийин. Бармоқлар тўтолмас ҳатто қаламини, хаёлни ўғирлар кўча-ю йўин. Ўқувчилик меҳнат, машаққат эрур. Унинг одобини ўргатади ким? Сабр-қаноатла суюб эркалаб, инжиқлик, хурликни аритиб дилдан. Юракда иштиёқ, ҳавас уйғотиб, сўнгра, Билимлар боғига қўлингдан тўтиб, Бошлаб кирар ҳазрати – **Биринчи муаллим!**

Шундан бошланади ҳайма-ҳаммаси. Тарбия таълимга берар зеб, қирмо. Ёзув тахтасида оқ бўр туртинар, рақамлар сонларга борар жамланиб. Мурғак шуурларга дунё бўйлайди: зенҳлар чархлар: «Бу нима? У ким?» саволлар саволларга кетар улашиб. Ҳаммасига жавоб берар эринмай, ҳиж-жалаб ўқитираб илғамсангиз. Шўхлик қилсангиз ҳам жилмайиб қўя, Сочларингиз силар авайлаб-гина. Шу сеҳр тафтида балки улғаяр, кўнглимда билимга меҳр-муҳаббат. Шу шаҳдани камолга етказмоқ учун. Изланар, ўрганар ўқиб толмайди. Шул меҳнатларла бир кун доно бўласиз, ўқишда, ҳар ишда аъло бўласиз. Қанотингиз бўлар илм, хуш феъллар. Шу муқофатла сизни – қалдирғочдай ҳар ёнга йўллаб. Яшайверар китоб, дафтар варақлаб – **Биринчи Муаллим!**

Буюк кашфиётлар, улуг режалар сари нарвон қўйса

сизнинг фикр, йў. Орта камар бўлса хизматларингиз. Ватанда бошланса тўй устига тўй. Омад кириб келса эшигингиздан, эл аро эътибор, иззат топсангиз. Бароридан келса бошланган ҳар иш. Бу – сизнинг зафардир, лек орта қаранг: мипти истеъдодни кўксига босиб, уни ниҳол мисол парваршиш этган, Ҳар бир чизгингизни мўъжиза атаб, Кўксингизга ишонч ҳиссин жо этган. Олда интилоқни ўргатган сизга. Қоқилсангиз, бардам турингиз деган. «Дўст бўлинг, қадрланг бир-бирингизни» дея ширин орзу-ниятлар қилган. Гоҳида йўқлаб, гоҳ сўрмасангиз ҳам, «Менинг фалончим» деб дуолар қилган – **Биринчи муаллим!**

Кўп нарса унутилар йиллар қатида. Эҳтимол кимларни таниёлмаймиз. Аммо, болаликни соғинар ҳамма. Гўзал хотирасиз тўйгулар рангсиз... Ўша оппоқ бино, синфхоналар. Бир-бирин кувлашар болалар шодон. Унда бир инсон бор: камтарин, ҳақсўз. Ҳаммадан чиройли, хушбичим, дилбар. У бизга адабу ахлоқ не, айтган. Ҳалоллик, яхшилик суратин чизиб, қалбимиз тўрига муҳрлаб қўйган. Хурмат не, иззат не ундан ўргандик. Аҳд қилдик Ватанин жондек севмоққа. Эзгу мақсадларга маҳкам бел боғлаб, ажодларга лойиқ ворис бўлмоққа... Кумсаймиз беғубор дамларни кўп бор, ёдга тушар сизни талашганимиз. Кўлингиздан тўтиб, сўнгра мактанни, сумкангиз кўтарсак энтиканимиз. Альбомимда турар азиз бир сурат – ўртада сиз ва сизга яқинроқ ўтирмоққа талпинган ўттиз бир юрак. Чеҳрангизда ўша нур, офтоб – умр йўлларимни чароғон этган. Устоз, устозларга мурабий бир зот – **Биринчи муаллим!**

Ойбўви ОЧИЛОВА,
журналист



Дилкаш даврадаги дарслар

Гулистон шаҳридаги Ҳалима Худойбердиева номидаги Ижод мактабида Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо Улғабек Абдусаломов иштирокида «Азиз эл ва буюк юрт хизматида» мавзуда учрашув бўлиб ўтди.

«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист» фарҳий унвони, «Меҳнат шўхрати», «Дўстлик» орденлари соҳиби Мирзо Улғабек Абдусаломов Ховосда ўтган болалиги ва ўқувчилик йиллари ҳақида қизиқарли хотираларини сўзлаб берди. Ҳалима Худойбердиева билан ҳеч қачон унутилмас дўстона муносабатлари ҳақида юракларни орзиқтирувчи тарихий воқеаларни ёдга олиб, китобхонлик

ва мутулаага алоҳида тўхталди. Китоб одоб-ахлоқнинг қони ва барча билимларнинг булоғи эканлигини алоҳида таъкидлади. Қатнашчиларни қизиқтирган саволларга атрофлари ҳақида жавоб бериб, ўзи келтирган юзлаб китобларни ўқувчиларга тўхфа қилди.

Муҳаммад ИСМОИЛ,
Гулистон шаҳридаги Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби директори

Қорақалпоғистон Республикаси

Меҳрибонлик уйига Президент совғаси

Ҳўжайли туманидаги Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган 124 нафар боланинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа содир бўлди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Муса Ерниязов муассасага Президент совғаси – «Газель» автомашинасининг қалитини топширди.

Шунингдек, янги ўқув йилида биринчи синфга қадам қўйган 9 нафар болаларга ўқув қуроллари жамланмаси ҳам совға қилинди.

Зебо НАМОЗОВА

Бўстон шаҳрида янги олийгоҳ филиали

Ажинияз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг Эллиқалъа тумани филиали иш бошлади.

Бўстон шаҳридаги академик лицей базисида ташкил этилган филиалда 720 нафар талаба таълим олиш имкониятига эга.

Эллиқалъа, Беруний, Тўртқўл, Амударё туманлари ҳамда Хоразм вилоятинан келиб Нукус шаҳрида билим олаётган талабаларга енгилликлар яра-

тиш мақсадида ташкил этилган олийгоҳ филиалида ўнлаб профессор, доцент ва малякали ўқитувчилар ёшларга таълим тарбия бермоқдалар. Уч қаватли бинода ўқитувчи ва талабалар учун барча шароитлар яратилган.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«ISHONCH»

Сурхондарё вилояти

Талаба қизлар жаҳон чемпиони



Жанубий Кореянинг Чонжу шаҳрида Бутун жаҳон жаңг санъатлари фестивали доирасида кураш бўйича 12-жаҳон чемпионати баҳсларида 48 кг. вазн тоифасида иштирок этган Термиз давлат университети талабаси Моҳинур Мўминова 1-ўринни қўлга киритиб, икки қарра жаҳон чемпионга айланди. ТерДУнинг яна бир ифтихори талаба Рината Илматова эса 78 кг. вазнда кумуш медаль соҳибасига айланди.

Термиз давлат университетида улар тантанали кутиб олинди. Профессор-ўқитувчилар ҳамда талаба-ёшлар бундай улкан натижаларга эришиш жуда катта сабр-тоқат ва албатта, тинимсиз меҳнат самараси эканини алоҳида таъкидлаб, чемпион қизларимизнинг келгуси ўқув ва ишла-

рида омадлар тилашди. – Қизимнинг ютуғини изътикомат қилаётган барчаннинг ғалабаси деб биламан, – дейди Моҳинур Мўминованинг онаси Муҳаббат Шоимова.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«ISHONCH»

Эълон
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 28.02.2018 йилда №83666 рақам билан рўйхатдан ўтган «SMARTEXPO» МЧЖ (СТПР: 305359030) тугатилди.
Давво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Муржаат учун телефон: +99871-267-53-16.

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

Касаба уюшмалари тизимида меҳнат қилаётган ходимларнинг малакасини оширишида, хорижнинг етакчи таълим марказлари билан илмий-педагогик ҳамкорликни йўлга қўйишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ЎҚУВ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

барча азиз ва мўътабар устозларни
Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этади.

Шарафли касбнинг эгаси бўлиш ва Ўзбекистоннинг юксакларга кўтарилишидаги меҳнатингиздан асло чарчаманг!

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири

Муаллим

Қадри билинади энди менга гоҳ,
Оддий мактабимнинг ўша беҳашам,
Навойи-ку бизга устоздир, бироқ,
Кимдир ўқитган-ку Алишерни ҳам!
Шундай буюк зотга ҳарф ўргатган ким?
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

Аяган ҳаётнинг санчиқларидан,
Ииқилса кўтарган тўсиқларидан,
Отадек эзилган, ғуссага ботса,
Боладек қувонган ютуқларидан.
Уйкуда шоғирдин ўйлаб ётган ким?
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

Йўқдан Берунийни бинолар қилган,
Хусайини Ибн Синолар қилган,
Машрабни машҳури дунёлар қилган,
Абдуллонинг тилин бурролар қилган,
Илон ўйнатгандек сўз ўйнатган ким?
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

Юзга кираман мен Худо хоҳласа,
Эҳтимол, юздан ҳам ўтарман бир кун.
Қайноқ кучоғида хурлар чорласа,
Ҳеч кимдан қарзим йўқ кетарман бир кун.
Бўлса ҳам, бир зотда бўлади қарзим,
Оддий муаллим у, оддий муаллим!



АКЦИЯ ДОРЛИК ТИЖОРAT ХАЛҚ БАНКИ ЖАМОАСИ




Ўз ҳаётини ёш авлод тарбиясидек шарафли ишга бағишлаган барча юртдошларимизни

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этади.

Ушбу қутлуғ айёмда сизларнинг шаънингизга энг гўзал сўзлар, эзгу тилақларимизни изҳор этишдан бахтиёрмиз.

Барчамизнинг камол топишимиз, жамиятда муносиб ўрин эгаллашимизда бор билим ва тажрибангизни, меҳрингизни бахш этганингиз учун Сиз, азизларга чин юракдан миннатдорлик билдирамиз. Олижаноб ва масъулиятли фаолиятингизда куч-ғайрат, ютуқ ва омадлар ёр бўлсин!

Хонадонларингиздан бахт-у саодат, файз-у барака аримасин, фарзандларингиз ва шоғирдларингизнинг камолидан доимо фахрланиб юринг!



«Қишлоқ қурилиш банк» юртдошларимизга миллий валютадаги қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

«Барака» – омонат муддати – 19 ойдан 25 ойгача, фоиз ставкаси – йиллик 23 %.

«Фаровон» – омонат муддати – 13 ойдан 25 ойгача, фоиз ставкаси – йиллик 21 %.

Ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

«Қишлоқ қурилиш банк» – фаровон ҳаётингиз хизматида!



Мурожаат учун:
(+99878) 150-72-58,
150-93-39,
www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Барча юртдошларимиз, хусусан, таълим тизимида фидойилик билан меҳнат қилаётган устозларни умумхалқ байрами

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

билан самимий муборакбод этади!

Сиз, азизларга ёш авлодга билим ва тарбия беришдек ўта мураккаб, ўз касбига меҳр ва садоқатни, бутун борлигини бағишлашни талаб этадиган шарафли меҳнатингиз учун миннатдорлик билдиришдан бағоят хурсандмиз.

Азизлар! Сизларни байрам билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файз-у барака тилаймиз.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

Муаллим ҳақида сўзим ушбудир:
Муаллим камолот ичра кўзгудир.
Ўқидим Геродот, тарихни кўп бор,
Фаробий, Дантени такрор ва такрор.
Барини ўқидим, лол қолди ақлим,
Барига устозсан ўзинг, муаллим.
Алишер қалбига солган сеҳр-файз
Сенсан, эй муаллим, устоз Абул-Лайс.
Қутлуғ хонадонда қутлуғ калом бу,
Ҳамид Олимжон бу, Фафур Ғулом бу.
Буюк Темур сендан топгандир таълим,
Сен шундоқ, азиз зот, азиз муаллим.
Рост айтсам, ўзингсан энг аввал даҳо,
Сен ҳаёт ганжида дурри бебаҳо.
Улуғ айёмингда шеърий калом бу,
Шогирдлар номидан қутлуғ салом бу.



КОГОН ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ВА ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ КОГОН ТУМАНИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Қадри баланд, қалби дарё устозларни

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

билан чин дилдан муборакбод этади.

Давлатимизнинг педагогларга кўрсатаётган беқиёс ғамхўрликларига жавобан янги авлод таълим-тарбияси, уларнинг зукко ва соғлом бўлиб камолга етиши, маънан юксак савияли инсонлар сафидан ўрин эгаллашлари учун фидойилик кўрсатаётган соҳа ходимларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, оилавий тотувлик, ҳамиша хуш кайфият тилашдан бахтиёрмиз.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз устозлар!



МУАССИС:



O'zbekiston
kasaba
uyushmalari
Federatsiyasi

2007 йил 11 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
116-рақам билан рўйхатга
олинган.



Бош муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон
Республикаси Президентининг фармон ва
қарорлари, энг сўнги янгиликлар, таҳлилий,
танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни
билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xattlar@ishonch-doverie.uz
Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Худудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон
Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-34
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Тошкент – (+998-99) 889-90-25
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи
назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

С. Абдурахмонов
Мусаҳҳиҳ:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Х. Абдуҷалилов

ЎЗА яқуни – **22:30**
Топширилди – **04:20**

Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 4 босма табоқ,
Буюртма Г – **917**.
28020 нускада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**